

“ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИНДИ”
2021 йил “ 5 ” “ апрел ” да
Тошкент вилояти Адлия бошқармаси
томонидан 708 -сон



“ТАСДИҚЛАНДИ”
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба
уюшмаси Ижроия Кўмитасининг
2021 йил 10 февралдаги 2-04 “с”-сонли
қарори билан

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти Кенгаши

НИЗОМИ

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг
Тошкент вилояти Кенгаши тўғрисида**

НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг (кейинги ўринларда “касаба уюшмаси”) Тошкент вилояти кенгаши (кейинги ўринларда “Кенгаш” деб аталади) Тошкент вилоятидаги тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, бошланғич, бирлашган, туман (шаҳар) касаба уюшмаси ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва ҳаракат бирлигини мустақамлаш мақсадида тузилади ва ҳудуддаги касаба уюшмасининг барча даражадаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Касаба уюшмасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Кенгаш касаба уюшмасининг юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида бўлинмаси ҳисобланиб, Тошкент вилоятида тармоқ касаба уюшмаси манфаатларини ифодалайди ва амалга оширади.

1.2. Кенгаш ўз фаолиятида касаба уюшмаси Устави, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Меҳнат Кодекси, Фуқаролик Кодекси, ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, ҳамда юқори касаба уюшмаси органлари қарорлари, шунингдек, мазкур Низомга амал қилади.

1.3. Кенгаш Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг ҳудудий бўлинмаси ҳисобланади ва ўз фаолиятида, шу жумладан, молиявий фаолиятида давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бошқаруви органларидан мустақилдир, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно. Улар олдида ҳисобдор эмас, ҳамда улар томонидан назорат қилинмайди.

1.4. Кенгаш олдида турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, Кенгаш аппарати шакллантирилади. Кенгаш аппаратининг штат жадвали, ҳамда уларнинг иш ҳақи миқдорлари белгиланган тартибда касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

1.5. Кенгашнинг тўлик номланиши:

ўзбек тилида тўлик – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти кенгаши;

рус тилида тўлик – Ташкентский областной совет профессионального союза работников Здравоохранения Узбекистана;

инглиз тилида тўлиқ – Council of the trade union of Healthcare workers of Uzbekistan of the regional Tashkent.

1.6. Кенгашнинг раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили): Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри, Тўйтепа МФЙ, Тошкент йўли кўчаси.

II. КЕНГАШНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Кенгашнинг асосий мақсади ҳудуддаги соҳа ходимларини ҳамда олий ва ўрта махсус, таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган шахсларни, шунингдек, қисман банд ва вақтинча ишсиз бўлган фуқароларни ҳамда ишлаётган пенсионерларни (кейинги ўринларда “ходимлар” деб юритилади) касби, лавозими, ирқи, миллати, жинси, ёши, диний эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар ўз фаолияти ёки ўқиши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилишдан иборат.

2.2. Кенгашнинг вазифалари:

Ҳудудда, ходимларга амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган қафолат ва имтиёзларнинг сўзсиз татбиқ этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

иш берувчилар, ҳамда уларнинг бирлашмалари билан биргаликда ижтимоий шериклик ўрнатиш, музокалар юритиш орқали ўз аъзоларига қонунларда берилган имтиёзлардан кўра кўпроқ имтиёзлар яратилиши бўйича келишув ва шартномалар тузиш;

бандлик ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, таълим олиш масалаларида ўз аъзоларининг яқка ёки жамоавий ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаш;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш;

фуқароларнинг касаба уюшмасига бирлашиш ҳуқуқини ҳеч қандай чекловлар ва тўсиқларсиз амалга ошириш ҳамда касаба уюшмаси ҳаракатининг бирлиги ва бирдамлигини мустаҳкамлаш;

ҳар бир касаба уюшмаси аъзосининг меҳнат қилиш ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, иш ва касбни эркин танлаш, қулай ва хавфсиз меҳнат шароити яратилиши, дам олиш, ишсизликдан ҳимояланишга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

тегишли иш берувчилар ва уларнинг бирлашмаларида касаба уюшмаси аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳудудий дастурларни шакллантиришда ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ўрганиш ва юқори касаба уюшмаси органларига таклифлар киритиш;

ҳудудда касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий қафолатлар даражаси кўтарилишига эришиш;

иш берувчилар ва мансабдор шахслар томонидан меҳнатга оид барча масалаларда, жумладан меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси қоидалари ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ва меъёрларга риоя қилиниши, шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари, тавсиялари талабларига амал қилиниши, иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши, ижтимоий сугурта маблағларидан фойдаланиш, касаба уюшмасининг тегишли аъзоларига меҳнат ва дам олиш шaroитлари яратилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

ижтимоий шериклик тамойили асосида иш берувчилар билан ходимлар манфаатларига оид, ходимлар номидан ҳудудий келишувлар тузиш, уларга амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланганидан кўра кўпроқ имтиёз ва қафолатлар киритилишига эришиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш комиссияларини ташкил этиш, жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш;

тармоқ тизимидаги ташкилотлар бўйича ҳудуддаги ўртача иш ҳақи миқдорини таҳлил қилиш, ўз ваколатлари доирасида иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, оммавий равишда ишдан озод этилаётган ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ходимларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш ишларини, яширин ишсизлик ва норасмий бандлик ҳолларини таҳлил қилиш, тегишли чоралар кўриш, ходимларнинг ўз малакасини ошириб боришига кўмаклашиш, квоталанган иш ўринларига фуқаролар ишга жойлаштирилиши, муассасалардан оммавий равишда ишдан озод этилаётган ходимларга моддий мадад чоралари қўлланилиши устидан назорат олиб бориш;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олиш, санаторий - курортларда даволанишининг самарали бўлишига, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, унинг оммавийлигини оширишга, иш вақтида ходимлар гимнастикаси жорий этилишига кўмаклашиш;

касаба уюшмасининг тегишли аъзолари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантириш, ходимларнинг жамоавий дам

олишини ташкиллаштириш, маданий-маънавий, ахлоқий-тарихий, шунингдек умумбашарий кадриятларни тарғибот-ташвиқот қилиш;

кўрик-танловлар ва турли спорт мусобақаларини, оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш, ғолибларни муқофотлаш ва рағбатлантириш;

корхона ва ташкилотларда гендер тенглиги таъминланишига кўмаклашиш, оналик ва болаликни, шунингдек хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантиришга кўмаклашиш;

ёшларга оид давлат сиёсатига кўмаклашиш, ёш мутахассислар, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз устида доимий ишлаши, касбий маҳоратини мунтазам равишда ошириб бориши учун “Устоз-шогирд” тизими ва бошқа анъаналарни йўлга қўйиш, давом эттириш;

корхона ва ташкилотларда узоқ йиллар меҳнат қилиб пенсия ёшига етган ходимларнинг юбилей ва нафақага кузатиш тадбирларини ташкил қилиш, пенсияга чиққан ходимлар ҳолидан хабар олиш;

кам таъминланган, эҳтиёжманд фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;

касаба уюшмаси аъзолари сафини кенгайтириш;

меҳнатда бошқаларга ибрат кўрсатган, фаол касаба уюшмаси аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш. Бу борада иш берувчилар ва уларнинг уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш;

касаба уюшмаси Уставида белгиланган вазифаларни, касаба уюшмаси юқори ташкилотлари ва органлари қарорларини бажариш;

ижтимоий ҳамкорлар ўртасида тузилган тармоқ келишувларининг ҳудудда бажарилишини назорат қилиш;

ҳудудни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ҳамда меҳнат, иш ҳақи меъёрлари масалаларини ҳал этишда қатнашиш;

тегишли давлат ва хўжалик бошқарув органларида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига алоқадор масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

бошланғич, бирлашган касаба уюшмаси ташкилотларига услубий-амалий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Кенгаш ўз мақсадларига эришиш учун “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун ва бошқа тегишли ҳужжатларга мувофиқ, бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III. КЕНГАШНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Худудда касаба уюшмасининг тегишли аъзолари, шунингдек соҳа ходимларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси, шунингдек суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ваколати доирасида иштирок этиш;

кўриб чиқилиши шарт бўлган, ходимлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўсқинлик қилувчи ёки уларни чекловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бундай ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги тавсиялар ва ёзма сўровларни ваколати доирасида тегишли органларга юбориш;

тегишли давлат органлари, иш берувчилар, улар бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари)нинг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

касаба уюшмаси Уставида белгиланган вазифаларни бажариш учун касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси руҳсати билан тадбиркорлик тузилмаларини ва тижорат ташкилотларини ташкил этиш;

касаба уюшмаси Устави асосида фаолиятини амалга ошириш учун давлат органларидан, уларнинг мансабдор шахсларидан, иш берувчилардан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари масалалари юзасидан бепул ахборот олиш ҳамда зарур бўлган маълумотномаларни ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш;

иш берувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш;

манфаатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз кириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизасини ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи инспекцияларни Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси руҳсати билан тузиш;

касаба уюшмаси аъзолари манфаатлари йўлида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

ижтимоий шериклик масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш ҳақида ташаббуслар билан чиқиш, битимлар, шартномалар ва келишувлар тузиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда муҳокама қилишда иштирок этиш;

иш берувчилар билан музокаралар олиб бориш, жамоа шартномалари тузилиши ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ходимлар номидан жамоа музокараларини олиб бориш, жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишда иштирок этиш, меҳнат низолари бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этиш, оммавий равишда ишдан озод этиш оқибатларини юмшатишга қаратилган маслаҳатлашувлар ўтказиш;

иш берувчининг ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисидаги қарорини олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги таклифларни тегишли давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, битимлар ҳамда шартномалар, шунингдек бошқа кўшма ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини ўтказиш;

ташкilotларнинг раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни ваколати доирасида киритиш, шунингдек ташкilotларнинг раҳбарларига мазкур қоидабузарликларда айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида ваколати доирасида тақдимномалар киритиш;

спорт мусобақалари, кўрик-танловлар, оммавий-маданий тадбирлар ташкил этиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, мажлислар ўтказиш;

касаба уюшмаси Уставига зид келмайдиган дастурлар ва локал ҳужжатларни қабул қилиш;

ўз вакилларини касаба уюшмаси Республика Кенгаши, касаба уюшмаларининг худудий ташкilotи таркибига сайлаш, уларни чакириб олиш, алмаштириш;

касаба уюшмасининг сайлаб қўйиладиган органларига касаба уюшма фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича мурожаат қилиш, тушунтириш ва ахборот олиш, зарурат туғилганда қўйилган масалани ҳал қилишда қўллаб-қувватланиш;

ҳужжатлар лойиҳаларини касаба уюшмаси Қурултойлари ва сайлаб қўйиладиган органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига касаба уюшмасининг таклифларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

касаба уюшмасининг турли хил дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

касаба уюшмасининг тегишли кадрлари ва фаолларини ўқитиш, ўз фаолияти учун зарур бўлган ахборотни олиш ва тарқатиш учун касаба уюшмаси имкониятларидан фойдаланиш;

ўз вакилларини касаба уюшмаси томонидан ўтказиладиган тадбирлар, спорт мусобақалари, кўрик танловлар, ўқув семинарлари ва ҳоказоларга йўллаш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилиш, конференция ва семинарлар ўтказиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

касаба уюшмаси фаолиятини тарғиб этиш ҳамда ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш;

расмий веб-саҳифасини очиш ва юритиш.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

3.2. Кенгаш мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этиш;

касаба уюшмаси Устави, ҳамда мазкур Низом талабларини бажариш;

касаба уюшмаси органларининг касаба уюшмаси Уставига мувофиқ қабул қилган қарорларини бажариш;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини касаба уюшмаси аъзолари учун таъминлаш;

юридик шахс мақомига эга бўлган ва бўлмаган тегишли бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларини ҳисобга олиш ва ҳисобини юритиш;

тегишли бошланғич, бирлашган касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, ҳаракат бирлигини таъминлаш;

касаба уюшмасини рўйхатдан ўтказувчи органга режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида қонунчиликда белгиланган тартибда олдиндан хабар қилиш ва унинг вакилига ушбу тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат ва меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш;

касаба уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш, касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишда бирдамлик кўрсатиш, касаба уюшмаси мақомини мустаҳкамлаш ва унинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича ишлар олиб бориш;

касаба уюшмаси Уставида белгиланган шартлар асосида фуқароларни касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш;

рўйхатдан ўтказувчи, давлат солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиш;

аъзолик бадалларини ҳисоблаш, тўлаш ва йўлланмалардан фойдаланиш билан боғлиқ молиявий ҳисобот, бошқа статистик маълумотларни белгиланган шакл ва тартибда касаба уюшмаси юқори турувчи ташкилотларига тақдим этиш;

ўз фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

ўз ҳисоб рақамига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг даромадлар ва харажатлар сметаларининг тузилиши ҳамда унинг ижроси бўйича таҳлиллар олиб борилишини таъминлаш; ✓

битимлар ва шартномалар, дастурлар ва лойиҳалар бўйича мажбуриятларни бажариш.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

IV. КЕНГАШНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

4.1. Қуйидагилар кенгаш органлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти ташкилоти Конференцияси (кейинги ўринларда “Конференция” деб юритилади) – кенгашнинг олий раҳбар органи;

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти Кенгаши (кейинги ўринларда “Кенгаш” деб юритилади) – Конференциялар оралиғида кенгашнинг доимий фаолият юритувчи коллегиял раҳбар органи;

Кенгаш раёсати – кенгаш фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширувчи коллегиял ижроия органи;

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти кенгаши Тафтиш комиссияси (кейинги ўринларда “Тафтиш комиссияси” деб юритилади) – касаба уюшмасининг коллегиял назорат органи.

4.2. Конференция.

4.2.1. Конференция кенгашнинг олий раҳбар органи бўлиб, 5 йилда камида бир маротаба Кенгаш қарори билан чақирилади.

Конференцияни чақириш муддати, вакиллик меъёри, делегатларни сайлаш тартиби ва кун тартиби камида 1 ой олдин Кенгаш томонидан эълон қилинади.

Навбатдан ташқари Конференция ҳудуддаги жами бошланғич, бирлашган касаба уюшмаси ташкилотлари ёки ҳудуддаги касаба уюшмаси аъзоларининг камида 1/3 қисмининг талаби билан ёхуд Кенгаш ташаббуси билан, шунингдек, касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ чақирилиши мумкин. Уни чақириш тўғрисидаги қарор ва тахминий кун тартиби камида 10 кун олдин эълон қилинади.

Конференция қарорига мувофиқ делегатларнинг ваколатлари навбатдаги конференцияга қадар сақлаб қолиниши мумкин.

Кенгаш раиси (мавжуд бўлганда унинг ўринбосарлари) лавозими бўйича Конференция делегати ҳисобланади.

4.2.2. Конференция ваколати доирасида:

Кенгаш раисини ва аъзоларини 5 йил муддатга сайлайди;

тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларини 5 йил муддатга сайлайди;

Кенгаш ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитади ва унга баҳо беради;

белгиланган сон жиҳатидан меъёр (квота)га мувофиқ касаба уюшмаси Қурултойига ҳамда ҳудудий касаба уюшмалари бўлинмаси конференциясига делегатларни сайлайди. Делегатларни сайлаш билан бир вақтда касаба уюшмаси Кенгаши таркибига ва ҳудудий касаба уюшмалари бўлинмаси Кенгашига ўз вакилларини тавсия этиши мумкин;

касаба уюшмасининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Ташкилотнинг истиқболдаги асосий фаолият йўналишларини белгилайди;

Конференция олий раҳбар орган сифатида Кенгаш ва Кенгаш раёсати масалаларига доир қарорлар қабул қилиши мумкин.

Конференция қарорларининг бажарилиши ташкилот ҳамда тегишли бошланғич, бирлашган касаба уюшма ташкилотлари учун мажбурийдир.

4.3. Кенгаш.

4.3.1. Кенгаш Конференциялар оралиғидаги раҳбар орган бўлиб, унинг ваколат муддати 5 йил.

Кенгаш мажлиси Кенгаш раёсати қарори билан заруриятга қараб, лекин бир йилда камида 1 маротаба чақирилади.

Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлиси Кенгаш раёсатининг қарори билан ёки тегишли бошланғич, бирлашган касаба уюшмаси ташкилотларининг камида 1/3 қисмининг ташаббусига кўра, шунингдек, касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори билан чақирилиши мумкин.

Кенгаш таркибига лавозимига кўра, Кенгаш раиси (мавжуд бўлганда унинг ўринбосари) киради.

Кенгаш Мажлисларини Кенгаш раиси, у йўқ бўлган ҳолларда унинг аъзоларидан бири олиб боради.

Кенгаш ҳужжатлари қарор шаклида қабул қилинади

4.3.2. Кенгаш ваколатлари доирасида:

касаба уюшмаси томонидан белгиланган устувор йўналишларни ҳамда Конференция томонидан Устав асосида белгиланган Кенгаш фаолиятининг устувор йўналишларини амалга оширади;

касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар ўртасида тузилган тармоқ келишувларини ҳудудда бажарилишини ташкил қилади;

Келишувларнинг янги турлари жорий қилинганда иш берувчилар билан ҳудуд миқёсдаги келишувлар имзоланишини таъминлайди;

Кенгаш раисининг жамоатчилик асосидаги ўринбосарини сайлайди;

бошланғич, бирлашган касаба уюшмаси ташкилотларида устувор йўналишларни амалга оширилишига тааллуқли масалаларни ўз мажлисларида кўриб чиқади, тегишли қарорлар қабул қилади;

бошланғич, бирлашган касаба уюшмаси ташкилотларининг ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш соҳасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиради ва қўллаб-қувватлайди;

жойларда меҳнатга доир қонунлар талаблари, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади ва олиб боради;

Конференция, шу жумладан, навбатдан ташқари Конференция чақиради, унинг муддати, вакиллик меъёри, делегатларни сайлаш тартиби ва кун тартибини белгилайди, Конференцияга ҳисобот маърузаси ва маърузачини тасдиқлайди;

Конференция ва юқори турувчи касаба уюшмаси органлари қарорлари бажарилишини ташкил қилади;

Кенгаш раёсатининг сон таркибини белгилайди ва 5 йил муддатга Кенгаш раёсати аъзоларини сайлайди;

Кенгаш раёсатининг ҳисоботларини тинглайди;

Республика Кенгаши рухсати билан касаба уюшмасининг айрим мулкларига эгалик қилади, шунингдек фойдаланиш, тасарруф этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

куйи касаба уюшмаси ташкилотлари раҳбарларининг касаба уюшмаси ва тинглайди; Кенгаш органлари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини

куйи касаба уюшмаси ташкилотларининг умумий вазифаларни бажариш борасидаги ҳаракатларини бирлаштиради ва мувофиқлаштиради, касаба уюшмасининг вилоят миқёсидаги тадбирларини ўтказиши;

қонунчиликда касаба уюшмаси ташкилотларига бериладиган ҳуқуқларни ҳудуд доирасида амалга оширади;

Конференциялар оралиғида Кенгаш аъзоларини сайлайди ва таркибдан чиқаради, касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва бошқа сайланма органлар таркибига сайланган ўз вакилларини чақириб олади ва ўрнига бошқа вакилларни сайлайди;

ўз фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қилади;

Кенгаш раиси ўз хоҳишига кўра ёки бошқа ишга ўтганлиги сабабли лавозимидан озод этиш ҳақида ариза берган тақдирда ёки саломатлиги ёмонлашгани туфайли ўз вазифаларини бажара олмай қолган ҳолларда, шунингдек касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ташаббуси билан Конференциялар оралиғида Кенгаш раисини сайлайди ва лавозимидан озод қилади;

Конференциялар оралиғидаги даврда Кенгаш раиси лавозимидан озод этилган ҳолларда, Конференция ўтказилгунига қадар Кенгаш раиси вазифасини бажаришни унинг ўринбосари ёки Кенгаш аъзоларидан бирига юклаш тўғрисида қарор қабул қилади;

Кенгашнинг раҳбар органи сифатида Кенгаш раёсати ваколатларига кирадиган қарорларни қабул қилиши мумкин.

Кенгаш ўзининг мутлоқ ваколатига кирмаган бошқа масалалар бўйича ўзининг айрим ваколатларини Кенгаш раёсатига ёки Кенгаш раисига бериши мумкин.

4.4. Кенгаш раёсати

4.4.1. Кенгаш раёсати ташкилотнинг сайлаб қўйиладиган коллегиял ижроия органи ҳисобланиб, Кенгашга жорий раҳбарликни амалга оширади ҳамда Конференция ва Кенгашнинг мутлоқ ваколатларидан ташқари Ташкилотнинг барча масалаларига доир қарорлар қабул қилиши мумкин.

Кенгаш раёсати таркибига лавозимига кўра, Кенгаш раиси (мавжуд бўлганда унинг ўринбосарлари) кириди. Кенгаш раёсатининг қолган аъзолари Кенгаш Мажлисида сайланади.

Кенгаш раёсати йиғилиши заруриятга қараб, аммо ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади. Кенгаш раёсати ҳужжатлари қарор шаклида қабул қилинади. Кенгаш раёсати йиғилишлари оралиғида, кейинчалик йиғилишда тасдиқлаш шарти билан, оралиқ қарорларни қабул қилади.

4.4.2. Кенгаш раёсати ўз ваколати доирасида ҳаракат қилиб:

Қурултойлар, Конференциялар ва юқори касаба уюшмаси органлари қарорларини бажарилишини ташкил этади ва назорат қилади, бажарилган ишлар тўғрисида Кенгашга ахборот беради;

Кенгаш Мажлисини чақиради, унинг кун тартиби ва ўтказиш жойи юзасидан таклифлар киритади, муҳокама қилинаётган масалаларга оид материалларни такдим этади;

Кенгашнинг бюджети бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлайди, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишни амалга оширади;

касаба уюшмаси Республика Кенгаши рухсати билан белгиланган ваколатлар доирасида касаба уюшмасининг айрим мулки ва маблағларини тасарруф этади;

янги иш ўринларини яратиш мақсадида касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш тўғрисида касаба уюшмаси Республика Кенгаши рухсати билан қарорлар қабул қилади;

касаба уюшмаси Республика Кенгаши рухсати билан белгиланган меъёрлар доирасида корхона, ташкилот, муассасаларга ҳомийлик ва молиявий ёрдамлар кўрсатиш масаласини кўриб чиқади;

касаба уюшмасининг тегишли қўйи бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларининг ҳисоботларини тинглайди;

касаба уюшмасига янги аъзоларни қабул қилиш, шунингдек, аъзоликдан чиқариш масалаларини ҳал қилади;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг ҳисобини юритади;

касаба уюшмаси тизимида янги ташкил этиладиган тегишли бўлинмаларнинг фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатади;

касаба уюшмасининг тегишли қўйи бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Кенгашнинг йиллик статистик ҳисоботларини тасдиқлайди;

касаба уюшмасининг тегишли қўйи бўлинмаларининг сайлаб қўйиладиган раҳбарлик лавозимларига номзодларни таклиф қилиши мумкин;

ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш, ходимларнинг малакасини оширилишига кўмаклашиш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, корхона (муассаса ва ташкилот)ни қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши сабабли оммавий равишда ишдан озод этилаётган ходимларга моддий мадад чоралари қўлланиши устидан назорат олиб боради;

жамоа шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади, уларни бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

келишилиши лозим бўлган корхоналарнинг тегишли ҳужжат лойиҳаларини маъқуллаш ёки таклиф ва эътирозларини билдириш тўғрисида қарор қабул қилади;

жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиб боради, меҳнатни муҳофаза қилишнинг қоида ва меъёрларига риоя этилиши устидан жамоатчилик текширувини амалга оширади, ходимларга хавфсиз меҳнат шароитлари таъминланишига кўмаклашади ҳамда ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

маданий-маърифий, спорт ишлари йўналишларида касаба уюшмасининг тегишли қуйи бўлинмаларида ишлаб чиқилган тадбирларнинг ижросини назоратга олиб, уларни ташкил қилишда кўмаклашади;

касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан ўтказиладиган тадбирларда ҳудуддаги касаба уюшмасининг тегишли қуйи бўлинмаларидан вакиллар қатнашишини ташкиллаштиради;

жойларда меҳнат қонунчилигининг тўғри қўлланишини назоратга олиб, касаба уюшмасининг тегишли қуйи бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш ишларида иштирок этади;

Кенгаш аппаратининг иш режасини тасдиқлайди;

ҳудуддаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларнинг Устав бўйича фаолияти устидан назоратни амалга оширади, уларнинг фаолиятларини амалга оширишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раислари, касаба уюшмаси фаоллари ўқувини ташкил қилади;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларидаги касаба уюшмаси фаолларини ва тармоқ касаба уюшмасининг Фахрий ёрликлари билан тақдирлаш ҳақида касаба уюшмаси Республика Кенгашига тақдимномалар киритади;

юқори органлар қарорларини касаба уюшмасининг тегишли қуйи бўлинмаларига етказиши ва бажарилишини назоратга олади;

ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришни ташкил этади;

бир йилда камида бир марта ўз фаолияти тўғрисида Кенгашга ҳисобот беради;

касаба уюшмасининг тегишли қуйи бўлинмалари органлари қарорларида қонун бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлса, уни 10 кун муддатда қайта кўриб чиқиш ва қонунга мувофиқлаштиришни талаб қилиш бўйича қарор қабул қилади;

ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўйган касаба уюшмасининг тегишли бўлинмалари, касаба уюшмаси тасарруфидаги тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбар ва масъул шахсларига нисбатан ваколат доирасида чора кўради;

Конференция, Кенгаш томонидан ваколат берилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

4.5. Кенгаш раиси.

4.5.1. Кенгаш раиси бир вақтнинг ўзида Кенгаш раёсати раиси ҳам ҳисобланади ҳамда Кенгаш аппаратига бевосита раҳбарлик қилади.

Касаба уюшмаси Устави, мазкур Низом ва касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан берилган ваколатлар доирасида касаба уюшмаси, шу жумладан Кенгаш номидан иш кўради.

Кенгаш раиси касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан келишилган ҳолда Конференция томонидан 5 йил муддатга сайланади ва у билан меҳнат шартномасини Кенгаш номидан Конференция ваколат берган шахс имзолайди.

4.5.2. Кенгаш раиси:

Уставда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни, Конференция, Кенгаш, Кенгаш раёсати қарорларини бажарилиши юзасидан фаолият юритади;

Конференция, Кенгаш, Кенгаш раёсати қарорлари ҳамда турли Келишув ва шартномаларни имзолайди;

Кенгаш раёсатининг йиғилишларини чақиради;

Кенгаш аппарати ишига умумий раҳбарликни амалга оширади;

ўрнатилган тартибда ва тасдиқланган сметага мувофиқ Кенгашнинг мулк ва пул маблағларини тасарруф этади ҳамда бошқаради;

Кенгаш аппаратида жорий қилинган лавозимларга ходимларни касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан келишган ҳолда, амалдаги қонунчиликка мувофиқ тайинлайди;

Кенгаш аппаратининг фаолияти билан боғлиқ фармойишлар чиқаради;

Кенгаш аппаратининг ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва бекор қилади, уларнинг вазифаларини белгилайди, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллайди;

Кенгаш аппарати ходимлари ва касаба уюшмаси фаолларини қўшимча рағбатлантириш масалаларини белгиланган меъёрларда кўриб чиқади;

касаба уюшмасининг тегишли қуйи бўлинмаларининг сайлаб қўйиладиган раҳбарлик лавозимларига номзодларни таклиф қилади;

ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўйган касаба уюшмасининг тегишли қуйи бўлинмалари раҳбар ва масъул шахсларига нисбатан ваколат доирасида чора кўриш бўйича Кенгаш раёсатига, тегишли касаба уюшмаси бўлинмаси органларига ёки Республика Кенгашига таклиф киритади ёки Тафтиш комиссиясига ўрганиш бўйича мурожаат этади;

касаба уюшмаси томонидан таъсис этилган ташкилотларга Республика Кенгаши рухсати билан умумий раҳбарликни амалга оширади, уларнинг раҳбарлари билан белгиланган тартибда меҳнат муносабатларини олиб боради;

худуддаги бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси раиси ва ташкилотчисининг имзолар намунасини тасдиқлайди;

маҳаллий давлат ва хўжалик бошқарув органларининг, иш берувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифоқларининг, уюшмаларининг) очик ҳайъат мажлисларида Кенгаш номидан иштирок этади;

ишончномасиз Кенгаш номидан иш кўради;

белгиланган тартибда Кенгаш билан келишиш учун киритилган ҳужжатлар лойиҳаларини Кенгаш номидан келишиш тариқасида имзолайди ёки ўз таклиф ва эътирозларини билдиради;

Кенгаш ва тафтиш комиссиясининг кўшма Мажлисларини ўтказади;

зарур ҳолларда Кенгаш номидан баёнотлар беради, мурожаатнома ва тақдимномалар юборади;

меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича тегишли ҳужжатлар ҳамда дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказишда касаба уюшмасининг вакиллари иштирокини таъминлайди;

соҳага оид худудий дастурлар, корхоналарнинг локал ҳужжатлари қонунчилигига зид келадиган ёки касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи ҳаракатлар содир этилганда тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, иш берувчи ва уларнинг бирлашмаларига, ушбу ҳаракатларни бекор қилиш бўйича ваколати доирасида талаблар кўяди;

корхонанинг раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган ҳужжатларда ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатларда аниқланган қонунбузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни ваколати доирасида киритишга, шунингдек, корхоналарнинг раҳбарларига мазкур қоидабузарликларда айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритади;

Кенгаш бюджетининг, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга, маънавият ва жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган маблағларнинг жорий ижросини таъминлайди, шунингдек, Кенгаш аппаратининг молиявий хўжалик фаолиятини бошқаради;

Кенгаш раиси ўринбосарини сайлаш ёки лавозимидан озод этиш бўйича Кенгаш раёсатига таклифлар киритади;

Кенгаш маблағларини мақсадли сарфланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

Конференция, Кенгаш ва Кенгаш раёсати, Республика Кенгаши томонидан берилган ваколатлар доирасида бошқа ташкилий бошқарув, маъмурий-хўжалик ишларига оид функцияларни ҳам амалга оширади.

4.5.4. Раис қарори фармойиш шаклида қабул қилинади. Раис Кенгаш аппарати ходимлари, ваколат берилган тақдирда, касаба уюшмаси тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари томонидан бажарилиши шарт бўлган қонуний фармойишлар бериш ҳуқуқига эга.

4.6. Тафтиш комиссияси.

4.6.1. Тафтиш комиссияси ташкилотнинг тафтиш органи ҳисобланиб, Кенгаш ва касаба уюшмасининг тегишли қўйи бўлинмалари томонидан Устав талаблари, Конференция, Кенгаш, Кенгаш раёсати қарорлари ва тизимда амалда бўлган низом, тартиб, йўриқномалар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши, мулкдан самарали фойдаланилишини текширади, тафтишдан ўтказди ва назорат қилади.

Тафтиш комиссияси 5 йил муддатга Конференцияда сайланади. Тафтиш комиссиясининг фаолияти Конференция қарорига кўра ёки касаба уюшмаси ёхуд Кенгаш фаолияти тўхтатилган тақдирда тўхтатилади.

Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мустақил бўлиб, Конференция олдида ҳисобдордир.

Конференциялар оралиғида зарурат туғилганда тафтиш комиссияси аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш Кенгаш ва тафтиш комиссиясининг қўшма Мажлиси қарори билан амалга оширилади.

тафтиш комиссиясининг фаолияти касаба уюшмаси Қурултойи томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тафтиш комиссиялари тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади.

V. ТАШКИЛОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ, КЕНГАШ МАЖЛИСИ, КЕНГАШ РАЁСАТИ ЙИҒИЛИШЛАРИНИНГ ТўЛА ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚЛИ БўЛИШИ ВА УЛАРДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Ташкилот Конференцияси унинг ишида сайланган делегатларнинг камида 2/3 қисми иштирок этганда тўла қонуний ҳуқуқли ҳисобланади.

5.2. Кенгаш Мажлиси, Кенгаш раёсати йиғилишлари уларда аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда тўла қонуний ҳуқуқли ҳисобланади.

5.3. Кворум мавжуд бўлган ҳолда Конференция ишида иштирок этаётган делегатлар, Кенгаш, Кенгаш раёсати аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирда, Конференция, Кенгаш, Кенгаш раёсатининг қарорлари қабул қилинган ҳисобланади.

5.4. Қарорлар қабул қилишда овоз бериш шакли (очиқ ёки яширин) Конференция делегатлари, Кенгаш, Кенгаш раёсати аъзолари томонидан белгиланади.

VI. КЕНГАШНИНГ МУЛК ВА МАБЛАҒЛАР ҲАМДА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

6.1. Кенгаш касаба уюшмаси Устави ва мазкур Низомдаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ўзига тегишли мулки ва маблағларига эгалик қиладилар, улардан фойдаланади, белгиланган тартибда сарфлайди.

Кенгашнинг мулки ва маблағлари касаба уюшмаси аъзолик бадалларидан Республика Кенгаши қарори билан белгиланган ажратмалар, ихтиёрий мулкӣ бадаллар ва хайриялар, Республика Кенгаши рухсати билан ҳамда қонунларда белгиланган тартибда ташкил этилган тадбиркорлик, хўжалик ва бошқа тижорат фаолиятдан олинган даромадлар, турли тадбирларни ўтказиш учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўтказиладиган маблағлар, шунингдек, қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади.

Аъзолик бадалларидан ажратмалар ва бошқа манбалардан тушган маблағлар касаба уюшмаси Уставида белгиланган мақсад ва вазифалар учун сарфланади.

Иш берувчилар, уларнинг уюшмалари Кенгашга турли мақсадли, жумладан, меҳнат муҳофазасини таъминлашга, маданий-оммавий, спорт тадбирларини ўтказиш учун ҳудудий келишувда белгиланган маблағларни ўтказишлари мумкин.

Кенгаш касаба уюшмаси Устав фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган қимматбаҳо қоғозлар, акция ва бошқа мулкларни белгиланган меъёрлар доирасида Республика Кенгаши рухсати билан сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Кенгаш белгиланган тартибда ўзларининг мустақил баланси, банкларда ўз ҳисоб-варақаларига (шу жумладан, миллий ва хорижий валютада) эга бўлишлари мумкин.

6.2. Кенгаш маблағлари ва мол-мулклари касаба уюшмасининг умумий мулкидир.

6.3. Кенгашнинг балансидаги активлари, мол-мулклар устидан жорий бошқарувни (эгалик қилиш ҳуқуқисиз) амалга оширади, бундан белгиланган тартибда рухсат этилган ҳоллар мустасно.

6.4. Кенгаш қонунчиликда тақиқланмаган тарзда ҳар қандай мол-мулкни ҳадя (беғараз) равишда қабул қилиб олиши мумкин.

6.5. Кенгаш тугатилган тақдирда, барча мажбуриятлари бажарилганидан сўнг, унинг мол-мулки ва маблағлари касаба уюшмаси Уставида белгиланган мақсадларга сарфлаш учун касаба уюшмасига ўтказилади.

VII. КЕНГАШНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ

7.1. Кенгаш юридик шахс ҳисобланади. У ўз муҳри, штамплари, хос бланклари, электрон имзоси ва банкларда ҳисоб рақамларига эга.

7.2. Кенгаш ўз бланкида касаба уюшмаси рамзи тасвиридан фойдаланиши мумкин.

7.3. Кенгаш мазкур намунавий Низом асосида ишлаб чиқилган ўз Низомига эга бўлади ва ҳудуднинг тегишли органи томонидан қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтади.

7.4. Кенгаш ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади, ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органлари, шунингдек касаба уюшмаси юқори ташкилотларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

VIII. КЕНГАШНИНГ НИЗОМИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу низомга касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

8.2. Кенгаш Низомига ўзгартиришлар, қўшимчалар ва тугатишлар киритиш Республика кенгаши Ижроия қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Бунда Кенгаш Низоми белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилади.

IX. КЕНГАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Кенгашни шакллантириш (ташкил этиш), қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш), шунингдек унинг фаолиятини тугатиш касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан амалга оширилади.

9.2. Кенгашни тугатиш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

касаба уюшмасининг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритилиши натижасида Кенгаш мақсадга мувофиқ эмас деб топилиши;

ҳудуддаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг камида 2/3 қисмининг талаби билан;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Кенгашни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди, шунингдек, кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган мулки Уставда белгиланган мақсадларга сарфлаш учун касаба уюшмасига ўтказилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Кенгаш томонидан мазкур Низомга амал қилинишининг таъминланиши юзасидан масъулият Кенгаш раиси зиммасига юклатилади.

10.2. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган масалалар касаба уюшмаси Устави, ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ва Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорлари билан тартибга солинади.

Мазкур Низом бандлари касаба уюшмаси Уставига зид бўлган тақдирда касаба уюшмаси Устави амалиётда қўллаш бўйича устунликка эга.

10.3. Мазкур Низом бандларининг талқинини бериш касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси ваколатига киради.


Республика Кенгаши раиси



Ф.Р.Ханапиев
Ф.Р.Ханапиев



Toshkent viloyati Adliya
boshqarmasida
RO'YXATGA OLINDI
2011.05.04. Tikiladi, raqamlandi



708
Жами варақдан иборат
Ф.Р.Ханашиев
Ф.Р.Ханашиев